



Бу киз шундай хикоя килади: Мен ўрта мактаб толибасиман. Бирлашган Араб Амирликлари давлатида яшайман ва бу мамлакат мен учун нихоятда азиздир. Чунки Аллох таоло шу юртда мени хидоят йулига ихтиёр этди. Бу кадрдан юртга келгунимча мен учун хурматли устоз «телевизор хазратлари»га жуда хам багланиб колган эдим. Ундан бир лахза хам ажралмас эдим... Бирорта хам болалар кўрсатувларини, концертларни, сериалларни колдирмай кўрадим. Лекин бирон бир маърифий ёки диний кўрсатув бошланиб колса, сакраб туардим-да ўчириб кўярдим. Опам мендан: Нима учун ўчирдинг? - деб, сўраса, мактабдан берилган уй вазифаларини кўплигини баҳона килардим. У менга: -Ие, вазифаларни энди эслаб колдингми!! Хали концертлар, сериаллар, мазмунсиз кўрсатувларни берилиб томоша килаётганингда каерда эдинг?! -деб савол килса индамай ўгирилиб кетардим. Опам тамоман аксим эди... Онам унга намозни ўргатганларидан бери хеч тарк килмасдан адо этарди. Мен эса намозларимга бепарво эдим. Хафтада бир ёки ики марта адо этардим холос. Опам имкон кадар телевизордан четланарди. Уни яхши хулкли, солиха дугоналари бўлиб, унга хайрли ишларда ёрдам беришарди. Бизнинг бир холамиз бўлиб, унинг фарзанди туғилмай нобуд бўлди. Холам жуда каттиқ руҳий изтиробга тушиб анча вактгача деярли фалаж бўлиб етдилар. Опам билан кўришгандан кейингина холам ўзларига келдилар ва юпандилар. Чунки оппок либослар кийган гўзал хулкли опам уни зиёрат килди, тасалли берди ва уни хотиржамлантира олди.

У доимо менга Аллохни эслатар, насихат киларди. Лекин мен факатгина юз ўгирадар ва мутакаббирлик килардим. Кундан кунга мени телевизор олдидағи ўтириш соатларим ортиб борарди. Телевизор тобора мени бемаъни сериаллару, олди-кочди фильмлари, турли хаёсиз концертлари билан ўзига ром этарди. Буларни менинг маънавиятимга



хатарли эканини Аллох мени хидоят этгандан кейингина тушуниб етдим. Хамд ва шукр Аллохга бўлсин. Лекин мен бу ишларга муқкамдан кетган бўлсамда, калбим билан буларнинг бари харом эканини чукур хис этардим. Албатта хидоят йўли, у йулга тушмок истаганга жуда хам ойдин, равшандир. Нафсим мени кўп маломат килган, виждоним кўп марта кийнаган. Лекин шунга карамай мен маъсиятларга чўмган, фарз амалларга сусткашлик килганча хаёт кечирардим. Хаттоки, ором оладиган дамларимда ёки уйкуга хозирлик кўриб ётганимда, калбим маломатига кулок тутмаслик, виждон кийналишини кўтармаслик учун ўзимни бирон китоб ёки журнал титкилаш билан чалгитардим.

Менинг хаётим беш йил давомида то Аллох мени хидоятга танлаган ўша кунгача шу алфозда давом этди.

Йил ўртасида ўкишдан таътилга чикдик. Опам бир исломий уюшма кошида очилган Куръони каримни ёдлатиш гурухига катнашишга карор килди. Мени хам ўзи билан боришга таклиф этди, онам хам унинг фикрига кўшилдилар. Лекин мен рад этдим...Овозимни борича : -Боришни хоҳламайман!!! деб кичкирдим. Мендаги бундай катъий азму-карор бехуда кечаётган хаётимни ажralmas бир кисмига айланиб бўлган телевизор деб аталган жихоз билан биргаликда колиш учун эди... Менга нима бор тахфийзи Куръон курсларида...

Банданинг калбида асло бўлмас жам,

Куръон мухаббатию кўшик севгиси

Отам ишдан келдилар. Содир бўлган иш юзасидан шикоят килдим.

Отам: Боришга уни мажбурламанглар. Уни ўз холига куйинглар - дедилар.

Отам учун мен эрка, суюкли киз эдим. Чунки мен кенжা киз бўлиб,



катта опам ва мендан анча ёш кичик укамдан бошка ака-опаларим йўқ эди. Отам мени намозларини ўз вактида адо этади, деб, ўйларди. Иш тамоман ўзгача эканини билмасди. Тўгри, агар отам мендан намоз ўкидингми? деб сўраса «ха» деб ёлгон айттолмасдим. Опам мени ёлгончилик дардидан халос этишга кодир эди. Мен отам уйда бўлганларида намозларни ўкирдим. Агар ишга кетсалар намозларни тарк килардим. Отам эса ишда уч- тўрт кунлаб колардилар...

Кунлардан бир кун отам менга мулоиймлик билан, хеч бўлмаса бир марта опамга хамроҳ бўлиб дарсга боришимни илтимос килдилар. Бу хол мени жуда таажжубга солди. Ва бу биринчи ва охирги шундай манзара эди.. Мен рози бўлдим. Чунки отамни жуда яхши кўраман ва уларга рад килолмайман.

Мен Куръон равзасига йул олдим... Ва бу ерда... Иймон нури ила нурафшон бўлган тавозели юзларни кўрдим... Кўз ешидан кизарган, харомга карашдан тийилган кўзларни кўрдим... Калбимни тўлдириб турган ички кечинмаларимни васф этишдан ожизман... Саодат ва кўркув хисси... Надомат ва тавба хисси... Шу ерда мен Аллохга жуда якинлигимни хис килдим. Кўзимдан шашкатор бўлиб Аллохнинг розилигини истамасдан зое килган, ўтказган вактларимга бўлган афсус, надомат ёшлари куйиларди.... Телевизор олдида ўтган дамларим... Бехуда, гийбату миш-мишлар билан тўлиб тошган, бекорчи дугоналарим билан кечган сухбатлар, узундан узок ўтиришлар...

Канча-канча бунга ўхшаш Рахмоннинг малоикалари хозир бўлган, ахлига иймон, раҳмат ва сакийнат нозил этилган мажлислардан гоғил колдим-а!...

Аллоҳ таоло менга бир муддат Куръон соясида яшаши насиб этди... Унинг неъмати остида мен хаётимда хеч качон тотмаганим лаззатни тотдим... Куръон соясида яшаш калбга хотиржамлик, ором беради.



Катъий, аник карорга келиб тўхтадимки, Аллохга кайтишдан ўзга бу оламга салохият, башарият учун роҳат, инсон учун хотиржамлик, олийлик, баракот, поклик йук экан... Аникки, Куръон сояси остида яшаш неъмат... Умрни баракали киладиган, поклайдиган тотиб кўрган одамгина биладиган неъмат...

Ха... Аллох мени хидоят килди... Унга осийлик килганимга карамай...
Унинг розилигидан нафсимни розилигини устун кўйиб юрган
бўлишимга карамай... Субханаллох !!!

Мен гафлатда эдим, Куръон мени бу гафлатдан уйготди...
«Албатта, бу Куръон энг Тўгри Йўлга хидоят этур ва эзгу ишларни киладиган муъминларга катта мукофот (борлиги) хакида хушхабар берур» (Исро-9).

Бугун ўзимга ўзим савол бераман: Агар хидоят килиб кўймагандা, Роббимга кай ахволда йўликардим... Хакикатан, мен ўзим олдимда, ундан хам кўра Роббим олдида жуда хижолатдаман. Шоир кандай хам тўгри айтганки:

Ажабо, илохга кандок осий бўлур

Ёки инкор этур кандок нодонки,
Хар бир шайда аломат оят

Далолаттур унинг Ёлгизлигига.

Сенга тавба киламан, Роббим, магфират сўрайман! Албатта Сен тавбаларни кабул этгувчи Раҳмли Зотсан!
Суюкли дугонам! Куръон ёдлаш гурухлари сизга мунтазирдир. Хечам тараддуланмай тезрок кўшилиб олинг...

Аллох сизни ўз хифзи -химоясида асрасин!.

Дугонангиз\мактаб толибаси.

Бирлашган Араб Амирликлари.

Арабчадан Юсуф Ахмад таржимаси Москва шахри